Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
11 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 90 (12830)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Томорқа – туганмас хазина

ҲАР ТУПИДАН ОЛТИ КИЛОГРАММ ҲОСИЛ

Қибрай тумани, "Селекция» маҳалласилик Баҳром Аҳмаджонов шахсий томорқасида иссиқхона қуриб, помидор ва бодрингнинг касалликка чидамли, ҳосилдор ва эрта пишар навларини етиштирмоқда.

– Аҳолимизнинг аксарияти томорқасидан оқилона фойдаланади, – дейди маҳалла раиси Шуҳрат Ҳусанов. – Кимдир помидор ва бодринг етиштирса, яна кимдир маҳалладошлари ва ҳамқишлоқларини сара сабзавот кўчатлари билан таъминлаяпти. Бошқалар эса бақлажон, карам етиштирмоқда. Лимон етиштирувчилар ҳам кўпайиб қолди.

– Мана, ўн уч йилдирки, қишин-ёзин сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ҳаракат қилаяпмиз, – дейди Б. Аҳмаджонов. – Бу йил помидорнинг "Ламия" навини экдик. Ҳосил етилиш арафасида. Ҳар тупидан 6 килограммгача ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз. Қатор ораларига яхшилаб ишлов бериб, ўз вақтида минерал ўғитларга тўйинтирилса, кутилган натижага эришилади. Демак, ўртача 20 сотихга 5-5,5 минг кўчат экиб, 14-15 тоннагача сархил маҳсулот олса бўлади.

Б. Аҳмаджонов 5 нафар оила аъзоларини ёнига олиб, экинга вақтида ишлов бериб, томчилатиб суғориш йўли билан юқори ҳосилдорликка эришмоқда. Ўтган беш йилдан буён помидорнинг Голландиядан келтирилган "Анит" ва "Дафнис" ҳамда бодрингнинг "Мултистар" ва "Минебиби" навларини экиб, бир сотихдан 700-800 минг сўм даромад олаяпти.

Сидқидилдан қилинган меҳнатнинг самараси ҳам юқори бўлади. Бултурги даромадидан "Дамас" сотиб олди. Энди етиштирган маҳсулотларини бозорга пешма-пеш етказиб беришда муаммо бўлмаяпти.

Ўтган йили ҳар сотихдан 1 миллион сўмдан даромад олган бўлса, бу йил 1,5 миллион сўмни мўлжаллаб турибди.

Бектош ИСМОИЛОВ.
Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Ҳар қандай мамлакатнинг давлатчилик асослари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаолияти, аввало, қонунлар билан тартибга солинади. Шу маънода Амир Темур бобомиз салтанати қудратини барпо этган иморатларига қараб, Конституциямизни Ўзбекистоннинг дунё тамаддунидаги мавқеи, салоҳияти ва нуфузининг мезони сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, конституция ҳар қандай давлатнинг салоҳиятини белгиловчи ҳуқуқий, сиёсий ва мафкуравий ҳужжатлардан биридир.

КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида шундай тарихий жумла бор: "Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади". Бу жумла Ўзбекистон аталмиш кўп миллатли катта оила аъзоларининг дилидаги орзу-умидлари, мақсадлари, қўйингки, матлабидир.

Асосий қонунимизнинг 13-моддасида, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – Инсон деган фикр илгари сурилган ва шу асосда фуқаро – жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими белгилаб берилган. Асосий қонунимизда давлатимизнинг, жамиятимизнинг ва ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари бир-бирига уйғунлаштирилган ва мувофиқлаштирилган.

Бош Қомусимизда демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятининг ўзига хос белги ва хусусиятлари аниқ ифодаланиб, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган. Бу фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамиятни бошқариш ишларида қонун устуворлиги, давлат ҳокимияти органларининг сайловлар асосида шакллантирилиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши каби тамойилларда намоён бўлади.

Конституциямизда инсоннинг кундалик ҳаётдаги энг муҳим эҳтиёжларини таъминловчи имкониятлар – яшаш ҳуқуқи (24-модда), шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (25-модда), суд жараёнида шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи (26-модда), турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи (27-модда), бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ҳуқуқи (28-модда), фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги (29-модда), виждон эркинлиги (31-модда) кафолатланган.

Умуман, Асосий қонунимизда кўп йиллик миллий давлатчилигимиз анъаналари инобатга олиниши билан бирга, жаҳон давлатлари конституцияларининг тажрибаларидан ҳам кенг фойдаланилган. Шу йўл билан унинг энг инсонпарвар, демократик ва адолатли Қонун бўлишига эришилган. У бугунги кунда барча қабул қилинадиган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар учун мустаҳкам асос ва дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз парламенти Конституция нормаларига мувофиқ 8 та конституциявий қонун, 16 та кодекс, 600 дан ортиқ қонунларни қабул қилди, 200 дан ортиқ кўп томонлама халқаро шартномани ратификация қилди ва шу тариқа Асосий қонунимизни амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий тамойили яратилди.

Асосий Қонунимиз қабул қилинганидан сўнг ўтган 23 йил тарих учун қисқа муддат. Лекин қонунларнинг ҳаётийлиги, барқарорлигини белгиловчи мезон сифатида бу муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, Конституциямизга ўтган давр мобайнида бор йўғи бир неча марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар унинг асосий ғоя ва принципларига таъсир этгани йўқ. Энг муҳими, ушбу сифат ўзгаришлари мамлакатимизни ривожлантиришнинг беш тамойилига тўла мос равишда киритилди.

Вақт ўтган сари Конституциямиз халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаб бормоқда. Бизнинг мақсадимиз эса унинг жамиятдаги нуфузи ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини фуқароларнинг, айниқса, ёш авлоднинг онг-идрокига чуқурроқ сингдиришдир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси қуйи ташкилотлари, партиядан сайланган депутатлар ҳамда фаоллар Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларни фуқароларга тушунтиришни изчил давом эттиришмоқда. Жумладан, барча вилоят, туман ва шаҳарларда ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, Бош Қомусимиз моҳиятини ёшлар онгига сингдириш, демократик жамият барпо этишда улар иштирокини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолатидир" мавзуида мақолалар танлови ўтказилаётир. Партиянинг "Ёшлар қаноти" ўтказаётган бундай лойиҳа ва форумлар, тадбир ҳамда учрашувлар ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини бойитиш, уларни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва интеллектуал салоҳиятларини тўла намоён этишларига хизмат қилади.

Бош Қомусимизни пухта ўрганиш, унга риоя қилиш ҳар бир юртдошимизнинг фуқаролик бурчидир. Чунки, Конституция юрт тараққиёти, халқ фаровонлигини белгилаб берувчи ҳуқуқий ҳужжатдир. Бош Қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни англаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш ёшларнинг ҳаётий шиорига айланди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил давлатимиз Конституциясида тарихийлик замонавийлик билан уйғунлашиб, жаҳонда ижтимоий, сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий тафаккур соҳасида эришилган барча ютуқлар мужассамлашган. Халқимизнинг бой маданияти ва маънавияти, яшаш тарзи, тарихий анъаналари, орзу ва мақсадларининг ёрқин ифодаси бўлган Бош Қомусимиз Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилаверади.

Шаҳбоз НИЗОМИДДИНОВ,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Чиноз туман кенгаши раиси, ҳуқуқшунос.

Депутат минбари

Биржалар фаолияти кенгайиб, тараққий этиб бораётгани унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришни талаб қилиши табиий. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ривожидан келиб чиқиб, биржа фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш изчил амалга оширилмоқда. Бу йил кучга кирган "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун халқаро амалиётнинг мамлакатимиз биржаларида ҳам татбиқ этилиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, унда замонавий биржа фаолиятида муҳим ўрин тутувчи, жумладан, котировкалаш, арбитраж, листинг, назорат комиссиялари каби тушунчалар акс эттирилган. Биржаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари замон талабидан келиб чиқиб, бойитилган.

БИРЖА ФАОЛИЯТИ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Бугунги кунда биржалар фаолиятига дахлдор бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларини мазкур қонун нормаларига мувофиқлаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар кўриб чиқаётган "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси айни шу маънода муҳим аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Қонун лойиҳаси билан амалдаги 4 та, яъни "Валютани тартибга солиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ва "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

"Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддаси билан валюта биржаси фаолиятини тартибга солиш Марказий банкка юклатилган. Бу эса, Марказий банкнинг валюта биржаси фаолиятини тартибга солишга қаратилган вазифаларини очиб бериш ва аниқлаштиришни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига Марказий банк ваколатлари қаторига валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун лицензиялаш тартибини белгилашни кўзда тутувчи нормани қўшиш таклиф этилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг бир қатор моддалари эса "валюта биржаси" деган сўзлар билан тўлдирилмоқда. Мазкур қонунга таклиф этилаётган ўзгартиш Марказий банкнинг валюта биржаси капиталидаги иштирокини қонуний мустаҳкамлаш мақсадида киритилмоқда. Зеро, валюта биржасининг мамлакат иқтисодиётида тутган муҳим ўрнини инобатга олиб, унинг фаолияти Марказий банкнинг назорати остида бўлиши лозимлиги мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

Зангиота туманидаги "Бўзсув" маҳалласида ёшлар учун спорт зали қурилди.

Хусусий тадбиркор Тўлқин Исмоиловнинг бўш турган бинони спорт залига айлантириш таклифини фуқаролар йиғини фаоллари қўллаб-қувватлашди. Унинг саъй-ҳаракати билан бино қисқа фурсатда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, спорт залига айлантирилди ва зарур жиҳозлар билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда маҳалла ёшлари мураббий Жамолиддин Нуриддинов раҳбарлигида спортнинг оғир атлетика, тош кўтариш ва бошқа турлари билан шуғулланишмоқда.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Огоҳлик – давр талаби

ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТНИ АСРАЙЛИК

Бу ёруғ олам кўрки ва таровати, тинчлик ва ободлик, озод диёримиз тақдирига битилган истиқлол ҳаётимизни тўкис, умримизни бардавом этмоқда. Мана, 24 йилдирки, мустақил Ўзбекистонимиз осмони мусаффо, юрт тинч, халқ фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бундан ҳамиша фахрланамиз.

Бугунги кунда дунёда, ён-атрофимизда бўлаётган тўс-тўполонлар, хунрезликлар, вайронгарчиликлар, ўз уйи ва ватанидан мосуво дарбадар кимсаларнинг аянчли тақдири ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бундай аянчли ҳолатга тушмаслик, тинч, осуда ҳаётимиз бузилмаслиги учун огоҳлик, ҳушёрлик, ҳар қадамда зийраклик зарур. Айниқса, чегара ҳудудларида яшовчи аҳолининг бу борада масъулияти ғоят кучли экани ҳеч кимга сир эмас.

Вилоят ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари билан ҳамкорликда вилоятимизнинг чегараолди ҳудудларида ўтказилаётган "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзуидаги тадбирлар айнан шу мақсадга қаратилган. Шундай учрашув, давра суҳбатлари Бўстонлиқ тумани Озодбош, Товоқсой қишлоқларида ўтказилди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Унда "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талаблари аҳолига етказилди. Шунингдек, маҳаллий аҳолининг чегара қоидаларини бузиши ҳамда бундай ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадидаги профилактик тадбирлар ва уларнинг натижалари ҳақида сўз борди.

– Озодбош ва Товоқсой қишлоғи аҳолиси билан турли мавзуларда тадбирлар ўтказаяпмиз, – дейди республика Ҳарбий прокуратураси матбуот котиби С. Жўраев. – Ҳозирги дориламон кунлар, осойишта ҳаётимиз, аввало, истиқлолимиз, қолаверса доношманд, пири бадавлат кексаларимиз, чегара ҳудудида яшаётган сиздек жонкуяр одамларнинг фидойилиги туфайлидир.

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят сессиясида гапирилган эди

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ ДАБДАБАБОЗЛИККА АЙЛАНМАСИН

Мустақил Ўзбекистонимизда халқимизнинг улуғвор табиатига мос саховатли куз фаслининг илк кунлариданоқ энг улуғ, энг азиз байрамимиз Истиқлол тантаналари қалбларни шоду хуррамликка тўлдиради, миришкор деҳқонларимиз етиштирган мўл ҳосилларини йиғиб, эл ризқига ризқ қўшади, фаровонлик гаштини суриб, тўй қилади, ўғил уйлаб, қиз чиқаради. Невара-чеваралар кўрса, шукрона келтириб, яна дастурхон ёзади, меҳмон кутади – бу бизнинг миллий урф-одат, анъаналаримиз. Ундан воз кечиб бўлмайди. Ахир ҳаёт гўзаллиги, мазмуни ҳам фарзандлар камолию етуклигида. Улар учун шодланиб, қувончини ўзгалар билан баҳам кўриш ҳам самимий, бағри кенг халқимизга хос хусусият.

Аммо, баъзан бу шодиёна ва орзу-ҳаваснинг меъёри, чегараси борлигини унутиб қўядиган ҳам ўзимиз. Натижада, ортиқча ҳою-ҳавас, кераксиз дабдаба, ножоиз исрофгарчиликлар маънавий оламимизни қашшоқлаштириб, олижаноб фазилатларимиз завол топишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда муҳтарам Президентимизнинг тўйлардаги дабдабабозлик ва исрофгарчиликларнинг олдини олишга оид Фармони эълон қилинган эди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раислари бошчилигида махсус комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди. Комиссиялар бошчилигида шу йилнинг 9 ойида ўтказилган 6185 та тадбирда 180 мингга яқин аҳоли иштирок этди.

Бўстонлиқ, Бўка, Зангиота, Паркент, Пискент, Қибрай, Юқори Чирчиқ, Янгийўл туманлари ҳокимликлари ҳузуридаги комиссия фаолияти ўрганилганда ҳудудий комиссияларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари туфайли айрим ноўрин исрофгарчиликларнинг олди олингани аниқланди. "Оқ ўрар", "кичик фотиҳа", "катта фотиҳа", "тўй юборар", "келин салом", "чарлар", "чақириқ", Ҳайит кунлари келинликда бўладиган уч кунлик меҳмондорчиликлар, қизнинг онаси юборадиган тоғоралар қисқартирилиб, айримларидан воз кечилди. Айнан чарлар, чақириқ, оқ ўрар қисқартирилиб, қолганлари ихчамлаштирилди. Хусусан, Қибрайдаги 84 маҳаллада бу каби тарғибот-ташвиқот ишлари жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг миқёсда олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят сессиясида гапирилган эди

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ ДАБДАБАБОЗЛИККА АЙЛАНМАСИН

Ҳар бир шаҳар ва туманда нафақат тўй, балки таъзия, дафн маросимларини маҳалла фаоллари, имом-хатиблар билан биргаликда ихчам, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш тўғрисида кўрсатмалар берилмоқда. Ҳозирги кунда, "етти", "йигирма", "қирқ" каби маросимлар ўрнига бир марта эҳсон ўтказиш йўлга қўйилмоқда.

Лекин, бу оқилона тадбирларга ҳамма жойда ҳам амал қилинаяпти деб айтолмаймиз. Ота-онаси ҳаёт чоғида ҳурматини жойига қўймаган айрим кимсалар, вафот этгандан кейин эл кўзига дабдабали дафн маросими ўтказиш, юз килолаб ош дамлаб, манманлик қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Улар орасида ўтганлар руҳини шод этиш, қабристонларни тартибга келтириш тугул, ҳатто ўз ота-онаси қабрини билмайдиганлар ҳам борлиги ниҳоятда ачинарли...

Вилоятда олиб борилаётган амалий ишларга қарамай, ҳанузгача айрим ота-оналарнинг сохта обрў ортидан қувиб, ҳою-ҳавасга берилишлари, ҳаддан ортиқ дабдаба, қимматбаҳо жиҳозлару беҳисоб сарпо-суруғ ҳисобига бахт яратишга уринишларнинг хунук оқибатларини кўриб турибмиз. Яъни, манманлик, худбинлик қалб кўзини кўр қилган ота-оналар ўз фарзандлари бахтига зомин бўлаётгани, жиддий муаммо ҳисобланади.

Яқиндагина Зангиота тумани "Соҳибкор" маҳалласида истиқомат қилувчи бир қизнинг бахти барбод бўлиши, икки тоннинг ўзаро ножоиз сўзлар билан бир-бирини ҳақорат қилиб, молу дунё талашишига сабаб ҳам айнан шу манманлик, дабдабабозлик, қолаверса, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясига лоқайдлиги, эътиборсизлигидир. Ўзи олий маълумотли, ўқитувчи бўлишига қарамай, қизига тўғри тарбия беролмаган она ҳақида нима дейиш мумкин? Тўғри, ҳеч ким фарзандига ёмонлик тиламайди! Аксинча, борган жойида "тиниб-тинчиб кетсин" дея ният қилади. Лекин, фақат ниятнинг ўзи етмайди-да?! Туну кун югуриб, қизига қимматбаҳо мебель, сарпо-суруғ, қудасининг талабига кўра "келин салом"га рўйхат асосида совға-саломлар тайёрлаган она қизининг 3 кунга қолмай уйига қайтишини ўйлаб ҳам кўрмаган аниқ. Акс ҳолда, энг аввал қизига келинлик илмини, одоб-ахлоқ, шарм-ҳаёни ўргатган бўларди... Агар она қизига: "Янги келин телефон тутиши шарт эмас, бу матоҳни уйга ташлаб кет, янги оиланг рухсат берса тутарсан", деганида телефон сабабли чиққан можаро туфайли уч кунлик келин бахтидан, оиласидан айрилмаган бўлар эди.

Мана энди икки томон фарзандларининг бахтини эмас, сарф-харажатларни ўйлаб, талашибтортишиб юришгани ортиқча.

Бу каби ҳолатларни, тўйларни дабдабали ўтказиб, қийин аҳволга тушиб қолаётган, натижада оила пойдевори бошиданоқ дарз кетаётганини туманнинг Тошкент шаҳрига яқин қишлоқлари, маҳаллаларида ҳам учратиш мумкин. Қатор-қатор бир хил ранг ва русумдаги машиналар, қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-суронлар, "бирров"га келиб кетувчи санъаткорларнинг сафи узилмай, улар устидан сочилаётган, совурилаётган пуллар учун ким жавоб бериши керак?

Шу ўринда яна бир воқеани келтириш жоиз. Халқимизнинг кексалар ҳурматини жойига қўйишдек ибратли фазилатига ҳавас қиладиганлар кўп. Буни давлат сиёсати даражасида эътиборда экани ҳам бежиз эмас. Аммо, буни даромад манбаига айлантираётган сохта санъаткорларга нима деячинарлиси, бу пулларни юлиб олишга тайёр турган "дастёр"лар эҳтиётсизлиги туфайли бувижонлардан бири йиқилиб, қўли лат еди. Тўйхона бир зумда қий-чувга тўлиб кетди... Бу ҳам бетизгин "орзу-ҳавас"имизнинг оқибати эмасми?

Ахир ҳар бир хаттиҳаракатнинг чек-чегарасию меъёрига амал қилмасак, юқоридаги каби нохуш ҳолатларни бартараф этиш осон бўлмайди. Хуллас, "топгани"ю, камини қарз олиб, бир кунлик тўйга совураётган орзу-ҳавас эгаларининг "қўли очиқлиги"дан кимга фойдаю кимга зарар? Ахир, йиш мумкин?! Яқинда Қибрай тумани маҳаллаларининг бирида ўтказилган дабдабали тўй маросимида келин-куёвни қутлаш учун ўртага уларнинг бувижонларини таклиф этишди. Энди улар ҳурматига бўлаётган қистир-қистирларни тасаввур қилиб кўринг. Энг керак?! Бунга ким айбдор? Кундан-кунга урчиб бораётган зарарли иллатларга йўл очиб бераётган манманлик, худбинлик, мақтанчоқликдан нега ор қилмай қўйдик?!

Сўнгги пайтларда никоҳ тўйларида бўлаётган янги-янги "кашфиёт"лар халқимиз фаровонлиги учун эмас, сохта санъаткорлар учун хизмат қилаётгани сир эмас. Келинкуёвнинг танишув тарихи, ошиқ-маъшуқлар юрган учрашув жойларини видеолавҳаларда намойиш этиш, европача услубда тикилган ярим-яланғоч либосларда кириб келаётган келиннинг рақс тушишини қайси "билимдон" ёки юлғичлар ўйлаб топаётган экан?! Ахир булар учун сарфланадиган пулни ёш оиланинг эҳтиёжи учун сарфласак ёки одоб-ахлоққа ўргатувчи китобларни сеп қилиб берсак тўғри бўлмасмикин?!

Аммо, бунинг ўрнига келин-куёвни вальс тушишга ўргатадиган тўгарак ташкил этаётган миллий қадриятларимиз "жонкуяр"лари ҳақида нима дейиш мумкин? Мисол тариқасида вилоятимизнинг айрим туман ва шаҳарларини атаб ўтиш мумкин. Лекин, "гап эгасини топади" деган умиддамиз.

Хуллас, "Кенгашли тўй тарқамас" мақолини тўғри англаб, тўйларимизни ортиқча дабдаба, сарф-харажат, исрофгарчиликларсиз ўтказиш, тежалган маблағни янги оилалар фаровонлиги, хонадонлар ободлиги, ёшларимиз камолоти, кексаларимиз фароғати учун сарфлаш ҳар биримизнинг вазифамиз, инсоний бурчимиз бўлиши керак. Шунда, жамият тараққиётига тўсқинлик қиладиган зарарли одатлардан халос бўлиш, икки томон ўртасидаги олди-берди туфайли чиқадиган келишмовчиликларни бартараф этиш, "қўйди-чиқди"ларнинг олдини олиш мумкин бўлади. Бунда энг аввал тўй эгалари, қолаверса, маҳалладаги ҳар бир йигин, тўю маъракага бошқош бўладиган ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимларининг масъулияти ниҳоятда кучлидир.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Депутат минбари

БИРЖА ФАОЛИЯТИ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Марказий банкнинг валюта биржаси капиталида иштироки ўз навбатида, акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқини, валюта биржасининг кузатув кенгашига аъзо бўлишини ҳамда "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси доирасида қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан ушбу қонуннинг 40-моддасига валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун лицензиялаш тартибини белгиловчи банд киритилмоқда. Ушбу ўзгартишлар мамлакатимизда валюта бозорини тартибга солишни янада такомиллаштиришга, бу соҳада Марказий банкнинг масъулиятини оширишга олиб келади.

"Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинишидан аввал товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат бериш жараёни ҳам, биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги товарлар рўйхати ҳам "листинг" деб юритилган. Ўз навбатида бу ҳолат, кўпгина тушунмовчиликларга ва айни бир терминнинг ҳар хил талқин қилинишига олиб келган. Янги таҳрирдаги қонун билан ушбу термин халқаро биржа терминологиясига мослаштирилди. Эндиликда товарни биржа савдоларига қўйишга рухсат бериш жараёни "листинг" деб юритилади. Биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги товарлар рўйхати эса "биржанинг котировкалаш варағи" дейилади. Чунки, қонунга асосан дастлабки кўздан кечиришни талаб этмайдиган, сифат кўрсаткичлари ўзгармаслиги ва биржа битимлари мунтазам равишда тузилиши билан тавсифланадиган, биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги товарлар рўйхати – биржанинг котировкалаш варағи ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 24- ва 106-моддалари "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг талаблари билан мувофиқлаштирилган ҳолда "листинг" сўзлари "котировкалаш варағи" деган сўзлар билан алмаштирилмоқда.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 54-моддаси олтинчи қисмини ҳам юқорида келтирилганларга мувофиқ мослаштириш таклиф этилмоқда.

Амалдаги қонун ҳужжатларининг меъёр ва ҳолатларини ҳатловдан ўтказиш натижасида аниқланган ва айрим қонун ҳужжатларига киритилиши лозим деб топилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчаларни ўз ичига олган қонуннинг қабул қилиниши биржалар фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича ҳуқуқий нормаларга оид зиддиятларнинг олдини олишга ва барча қонунлар нормаларининг бир хил талқин этилишига хизмат қилади.

Мазур қонун лойиҳаси яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, концептуал жиҳатдан қабул қилинди. Муҳокамалар чоғида билдирилган фикр-мулоҳаза, таклиф-тавсиялар асосида бугунги кунда ушбу қонун лойиҳасини янада мукаммаллаштириш устида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, бу масалада тегишли мутахассислар таклиф этилиб, жойларда семинар ва давра суҳбатлари ўтказиш режалаштирилган.

Элдор ТЎЛАКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Огоҳлик – давр талаби

ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТНИ АСРАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аммо, орамизда фақат ўзини ўйлайдиган худбин, лоқайд кимсалар ҳам борки, улар туфайли турли чегараолди ҳуқуқбузарликлари содир этилмоқда. Шунинг учун "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, яна бир бор эслатиш жоиз деб биламан...

Ўз ўрнида МХХ чегара қўшинларининг масъул ходимлари ушбу қонуннинг Давлат чегарасида режим чекловлари, Давлат чегарасини бузувчилар, Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги ваколатлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашдаги иштироклари каби моддалари ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Туманда истиқомат қилган бир гуруҳ қўштирноқ ичидаги уддабуронлар юртимизга 178 бош чорва молларини ноқонуний олиб ўтаётганда ушланди. Улар нафақат чорва молларини, балки рангли металлар олди-бердиси билан ҳам шуғулланишган. Чегарачиларнинг ҳушёрлиги туфайли улар қўлга олиниб, керакли чоратадбирлар кўрилди.

Шунингдек, ушбу ҳудудда чегарани қонунга хилоф равишда бузиб ўтиш каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар ва уларга қўлланилаётган жазо турлари ҳақида сўз борди. Шу билан бирга Озодбош ва Товоқсой қишлоғи аҳолиси бундай учрашувда бу каби қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, аниқланган шубҳали ҳолатлар ҳақида зудлик билан тегишли ҳуқуқ-тартибот органларига хабар бериш зарурлиги таъкидланди.

Сўзга чиққанлар халқимизнинг энг азиз бойлиги – тинчлик, осойишталикни асраш, чегаралар мустаҳкамлиги йўлида ҳамкорликда хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини таъкидладилар.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ЭЗГУ АМАЛЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Қизил Ярим ой жамияти Ўрта Чирчиқ туман кенгаши "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда соғлиқни сақлаш бўлимлари билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз кариялар, пенсионер ва ногиронлар, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилаётган тадбир ва хайрия акцияларида фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, маҳаллаларда "Қариси бор уйнинг париси бор", "Авлодлар учрашуви", 100 ёшдан ошган отахон ва онахонлар учун "Аср билан юзма-юз" мавзуларида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда уруш ва меҳнат фронти фахрийларига жамиятнинг эсдалик совғалари тақдим этилди. "Кексалар дуосини олайлик" шиори остида ўтказилган акциялар давомида ижтимоий ёрдамга муҳтож 30 нуроний, боқувчисини йўқотган оила ва кексаларга бепул дори-дармон тарқатилиб, моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, жамиятнинг патронаж ҳамширалари туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олиб, маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1 миллион 200 минг сўмликдан ортиқ озиқ-овқат, кийим-кечак ва шахсий гигиена воситаларини топширди.

– Жамиятимизда кекса ва ёш авлод мулоқотларини уюштириш ҳам анъанага айланган, – дейди Қизил Ярим ой жамияти туман кенгаши раиси Каромат Расулова. – Шундай учрашувларнинг бири 4-умумтаълим мактабида ташкил этилди. Унда фахрийларимиз навқирон авлод вакилларига узоқ йиллик ҳаёт тажрибаларини уюштириш ҳақида сўзлаб, бугунги тинчлик, фаровонликнинг қадрига етиш хусусида қимматли маслаҳатлар беришди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

Таълим

ИНГЛИЗ ТИЛИ САБОҚЛАРИ ТАКОМИЛЛАШАЯПТИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда инглиз тилини бошланғич синфларданоқ ўқитиш кенг йўлга қўйилди.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг 1-, 2-, 3-синф ўқувчилари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида англиялик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Kid's English" дарслиги асосида инглиз тилини ўрганмоқда.

Бу қандай самаралар бермоқда? 4-синфлар учун яратилиши кўзда тутилаётган инглиз тили дарслиги қайси талабларга жавоб бериши керак? Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Британия кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида ташкил этилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ходимлари, инглиз тили фани ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири У. Иноятов, Британия кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари М. Кросси ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг ўзлари танлаган соҳалар бўйича пухта билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши билан бирга хорижий тилларни чуқур ўрганишига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Жорий ўқув йили арафасида 1-синф ўқувчилари учун жами 641,3 минг чет тили дарслиги, 2-синфлар учун 591,9 минг, 3-синфлар учун 593 минг дарслик ва машқ дафтарлари, ўқитувчилар учун 62,6 минг нусха методик қўлланма ва мультимедиа иловалари чоп этилиб, мактабларга етказилди.

Мунтазам ўтказилаётган "Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси" кўрик-танлови, ўқувчилар ўртасидаги "Инглиз тили билимдонлари" интеллектуал мусобақаси, турли кўрик-танлов ва фестиваллар педагоглар малакасини ошириш, эртамиз эгаларининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

– Таълим даргоҳимиз инглиз тили фани бўйича маҳорат ва тажриба-синов мактаби ҳисобланади, – дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шаҳло Ўрунбоева. – 1-синф ўқувчилари турли ўйинлар ёрдамида инглиз тили оламига олиб кирилмоқда. 2-3-синфларда шеър, қўшиқ, интерфаол машғулотлар асосида ўқувчиларнинг инглиз тилидаги сўзларни ёзиш ва тўғри талаффуз қилиш маҳорати шакллантирилмоқда. Мактабимиз "Kid's English" дарслиги ва унинг мультимедиа иловаси, электрон луғатлар, мустақил ишлаш учун тренажёрлар, электрон тест ва машқлар тўпламлари, кроссвордлар, контурли харитала-лар ва масофадан ўқитиш учун мўлжалланган ўқув материаллари ва бошқа таълим ресурслари билан таъминлангани боис тажриба-синов муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Давра суҳбатида бошланғич синфларда инглиз тилини ўқитишни янада такомиллаштириш, бу борада самарали услублар, педагогик-психологик ёндашувлар, ўқувчилар билимини баҳолаш мезонлари, дарсликлар ва ўқув материалларининг сифати, улардан унумли фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ҲАВАСДА

Бундан бир неча йил бурун юртимизга ташриф буюрган Британия инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси президенти Лесли Киркам шундай деган эди: "Ўзбекистоннинг таълим тизими таҳсинга лойиқ. Ҳар галги ташрифимда тизимдаги кўплаб ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Шунингдек, таълим муассасаларида тил ўргатишга катта эътибор берилаётгани мени қувонтирди. Зеро, бу глобаллашув жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилаётгани айниқса, маъқул бўлди. Ўзбекистон давлат таълим стандартлари жаҳон стандартларига тўлиқ мос келади, деган фикрдаман. Ўзбек ўғил-қизларнинг чет тилларида бемалол сўзлашишларию математика, физикага доир мураккаб масалаларни қийналмай бажаришларига ҳавасим келди".

Жаҳонгир Давлатов чет эллик меҳмонлар ҳавасини келтираётган шундай ёшлардан. У Паркентнинг сўлим Бахмал қишлоғида туғилган. Ёшлигиданоқ физика фанига қизиқиб, астойдил ўқиди, изланди, билмаганларини устозларидан ўзлаштирди. Натижада, 2014-2015 ўқув йилида физика фанидан республика олимпиадасида биринчи ўринни эгаллади.

– Илк уринишдаёқ, республикада биринчи бўлганимга ўзим ҳам ишонмадим, – дейди у. – Ростини айтсам, беллашув ҳам жуда қизғин бўлди. Римкиевичнинг физикадан масалалар тўпламини тўлиқ ўрганганим қўл келди. Қолаверса, устозим Ирода Инобатова сабоқлари ҳам асқотди. Назарий ўрганганларимни амалиётда доим қўллайман. Чўмилиш ҳавзасида сувнинг кўтарилиш кучини илмий асосда синаб кўрганман.



– Жаҳонгир тортинчоқ, кам гап эмас, шунчаки, аввал ўйлаб, мулоҳаза билан жавоб беради, – дейди Ирода Инобатова. – Физика масалаларини нотўғри бажаришдан қўққани каби ноўрин сўздан ҳам қўрқади. Унинг ўзига хос хислати ҳам шунда.

Жаҳонгир Давлатов таълим олаётган 17-умумтаълим мактаби ўз ўқувчилари билан фахрланса арзийди. Бу ерда Аббос Файзиев, Зебо Зуҳриддинова, Сарвар Маъмуров каби билимдонлар таҳсил олмоқда. Шу йилги олимпиадада француз тили бўйича Сарвар Маъмуров республикада учинчи ўринни эгаллади.

– Француз халқининг тарихи, яшаш тарзи, маданиятини ўрганиш ниятидаман, – дейди Сарвар. – Лувр музейига бориш, у ердаги экспонатлар билан танишиш энг катта орзуим. Бунинг учун биз ёшларга яратилаётган имконият ва шароитлардан оқилона фойдаланиб, француз ва инглиз тилини мукаммал ўрганишим зарур.

17-умумтаълим мактабида жами 774 ўғил-қиз билим олмоқда. Уларга 60 дан зиёд устоз ва мураббийлар сабоқ бераяпти. 2015-2016 ўқув йилида мактаб 90 болажонни ўз бағрига олди.

– Мактабимиз замонавий жиҳозлар, зарур ўқув-қўлланма ва китоблар билан таъминланган, – дейди директор Иброҳим Тўраев. – Дарслар интерфаол тарзда ташкиллаштирилиб, амалиёт билан боғлаб олиб борилади. Бундан ташқари, 20 дан зиёд фан ва спорт тўгараклари ишлаб турибди. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишлари учун барча қулайликлар муҳайё.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Вилоят прокуратурасида

СИФАТСИЗ ҒАЛЛАГА КИМЛАР ЖАВОБГАР?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 августдаги "2016 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларини жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси вилоят прокуратураси органлари томонидан назоратга олинган. Жисмоний ва юридик шахсларнинг "Ягона интерактив давлат хизматлари портали"га шу масаладаги мурожаатлари атрофлича ўрганилиб, жамоатчилик хизматидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Хусусан, "Усмон ота" фермер хўжалиги раҳбари З. Нурмуҳаммедовнинг "Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий тажриба станцияси" ходимлари сифатсиз бошоқли дон экаётганидан норози бўлиб "Ягона интерактив давлат хизматлари портали"га қилган мурожаати вилоят прокуратурасида кўриб чиқилди. Аниқланишича, 2015 йил 30 августда "Тошкентдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти билан "Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий тажриба станцияси" ўртасида 81 гектар майдонга 2016 йил ҳосили учун бошоқли дон экиш юзасидан контрактация шартномаси тузилган. Текширувда, станция ходимлари Оққўрғон туманида 2016 йил ҳосили учун бошоқли дон экишга ажратилган ернинг 15 гектарига сифатсиз ғалла экишгани оқибатида 1 миллион 672 минг 750 сўм зарар етказилгани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан 2015 йил 23 сентябрда, "Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий тажриба станцияси" раҳбари А. Абдуллаевга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, етказилган 1 миллион 672 минг 750 сўм зарар тўлиқ ундирилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, республика Президенти ва ҳукумат қарорлари ижроси қатъий назоратда бўлиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан қатъий чоралар кўриб борилмоқда.

Акмалхон МАДИЕВ,
вилоят прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи.

Эгрилик ҳамиша панд беради

ТАЛАБАЛИКДАН... МАҲКУМЛИККА

Мамлакатимизда ёшлар учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар натижасида эртамиз давомчилари жисмонан соғлом, маънан етук, иродаси мустаҳкам, мустақил фикрли, бир сўз билан айтганда бой интеллектуал салоҳиятга эга авлод бўлиб камол топмоқда. Уларнинг фан, таълим, спорт, санъат, мусиқа, қўйингки, барча соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари, халқаро танлов, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида юртимиз номини муносиб ҳимоя қилиб, эришаётган муваффақиятлари фикримиз тасдиғидир. Тошкент кимё-технология институти талабаси Музаффар Набижонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундай ёшлар қаторида бўлиши мумкин эди. Аммо...

М. Набижоновга кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Аслида ҳам ҳавас қилса арзигулик йигит эди. Ахир, кўпчилик ёшлар учун орзу бўлган олий ўқув юртида таҳсил оларди. Билиб-билмай қилган хатоси уни талабадан жиноятчига айлантирди, олий илм даргоҳидан қамоқхонага етаклади. Нима эксанг шуни ўрасан дейди доно халқимиз. М. Набижонов ҳам энди қилмишига яраша ёшлигининг энг гуллаган даврини темир панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Маълум бўлишича, М. Набижонов ўтган йил март ойида Олой бозори автотураржойида эҳтиётсизлик оқибатида очиқ қолдирилган "Нексия" русумли машинани кўриб, олиб қочди. Н. Мансуровга тегишли ушбу машинадан 65 минг сўмни олиб, автоуловни Олмазор туманидаги Сағбон кўчасида қолдирди.

Орадан бироз вақт ўтиб, жиноий режаси "хамирдан қил суғургандек" силлиқ битган шоввознинг хаёли бузилди: "Ўғрилик қилишга қилдим. Лекин, биргина чарм ҳамёну, арзимас чойчақа учунми? Йўқ. Ўлжага яраша натижа бўлиши керак". У хаёлида ғужғон ўйнаётган шу каби саволларга жавоб қидираркан, машинани эгасига қайтариб сотиш керак деган қарорга келди. Бунинг учун аввало машинани яшириш кераклигини яхши англаган М. Набижонов янги жиноий режа тузди.

Сағбон кўчасида қаровсиз қолдирилган яна бир "Нексия" русумли машинанинг давлат рақамини ўғирлаб, дастлабки ўлжасига тақиб қўйди. Билардики, шундай қилса, уни топишолмайди. Ахир, машина эгаси ҳам, милиция ходимлари ҳам машинани давлат рақами бўйича қидиришади. Бу машина эса бошқа рақамда.

Шу аснода М. Набижонов жиноий қилмишларидан бир ҳафта ўтиб, машина эгасига қўнғироқ қилди. Гапни кинодаги профессионал ўғрилардек: "Машинанг менда. Қайтариб олмоқчи бўлсанг, етти минг тўлашингга тўғри келади. "Кўки"да. Яна қўнғироқ қиламан", дея гапни қисқа қилди. Аммо, кейинги қўнғироқдан сўнг ҳафсаласи пир бўлди. Чунки, жабрланувчи унга бунча пул бера олмаслигини айтди. Наилож, йўқдан кўра камроқ бўлса ҳам бори яхши. Савдолашишга тўғри келди. Беш минг "кўки"га иш пишди. Пишишга пишди-ю...

М. Набижонов жабрланувчидан талаб қилинган беш минг АҚШ долларини олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари қўлга туширишди.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг очиқ мажлисида мазкур жиноий иш кўриб чиқилди. Суд Музаффар Набижоновга жазо тайинлашда барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, уч йилу икки ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Ҳасан МИРЗАРАҲИМОВ,
Шайхонтоҳур туман прокуратураси катта терговчиси.

101 огоҳлантиради

Аҳоли турмуш фаровонлиги ошган сари хонадонларда рўзғор буюмлари, техника воситалари ҳам кўпаймоқда. Улардан фойдаланиш учун эса электр энергияси зарур. Аммо электр воситаларидан фойдаланишнинг ҳам қонун-қоидалари бор.

ИСИТИШ УСКУНАНГИЗ СОЗМИ?

Энг аввало, хавфсизликни таъминлаш зарур. Вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати газ ва электр идоралари ҳамда маҳаллий профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда корхона ва ташкилот, таълим муассасалари ва аҳоли тураржойларида ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида ўтказган текширувлар жараёнида газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиб, ўз хонадони ва қўшниларига катта хавф солаётган фуқароларга нисбатан тегишли чоралар кўрмоқда. Маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида огоҳлантирилмоқда.

Маълумки, об-ҳавонинг совиб кетиши натижасида фуқароларнинг электр иситиш асбоб-ускуналарига эҳтиёжи ортади. Бу эса ёнғинларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Чунки, йигирма-ўттиз йил олдин қурилган иморатларда электр-монтаж ишлари ҳам ўша даврдаги техника воситаларига мўлжалланган бўлиб, бугун талаб қилинадиган электр манбаини кўтара олмаслиги натижасида симларнинг қизиб кетиши ва қисқа туташувлар содир бўлиши кузатилмоқда. Натижада, нафақат моддий бойликларга зарар етмоқда, балки одамларнинг ҳаётига хавф солаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Содир бўлган ёнғинлар таҳлил қилинганда, аксарияти айнан электр ускуналаридан фойдаланиш қоидалари бузилиши сабабли юз бераётгани аниқланди.

Кўриниб турибдики, ёнғинлар, асосан, эътиборсизлик ва бепарволик оқибатида келиб чиқмоқда. Шу боис ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мунтазам риоя қилишга, электр иситиш мосламаларини назоратсиз қолдирмасликка алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, лоқайдлик катта кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин.

Суннатилла СУЛТОНОВ,
вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ёнғинларнинг олдини олиш бўлими бош мутахассиси.

ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда учрашувлар ташкил этиб, хавфсизлик қонун-қоидаларини тушунтириб, уларга қатъий риоя қилиш бўйича йўл-йўриқлар беришаяпти. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳолини ёнғинларнинг олдини олиш ҳаракатларига кенг жалб этишдир. Зеро, тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса ва ташкилотга ҳам тааллуқлидир. Хусусан, корхона ходимлари қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Очиқ олов ва алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш ёнғинни ўчиришдан кўра, бир неча баравар осон ва мутлақо хавфсиздир.

Электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз, айниқса, қўлбола электр ва газ асбобларидан фойдаланишдан воз кечишга одатланиш ва тақиқланган жойларда чекишдан тийилиш ҳам ёнғинлар кескин камайишини таъминлайди.

Юқоридаги каби зарур қоидаларга риоя қилинса, ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкини, уй-жойини, қолаверса, ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади.

Элмурод БЕКМИРЗАЕВ,
12-ХЁХО 24-ҲЁХК кичик инспектори.

ЭЪЛОНЛАР

ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ

Тендер эълон қилинган сана:	10.11.2015 йил
Дастур:	"Қишлоқларни комплекс ривожлантириш учун намунавий уй-жой қуриш Дастури"
Шартнома:	Шартномалар рўйхатига мос
Номланиши:	Шартномалар рўйхатига мос
Тендер таклифларини тақдим этиш учун сўнгги муддат:	Эълон берилган кундан 15 кундан сўнг

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК ("Буюртмачи") ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун ("Қурилиш ишлари") муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

4. Тендер ҳужжатларининг рус тилидаги нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

" "_____ вилояти, _____тумани, _____ массивидаги, ___лот ___та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўраймиз" шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

" Тендер ҳужжатлари эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар учун очиқ бўлади.

" Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган 85000 сўм миқдордаги пул тўлови тендер ташкилотчиси (Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази)нинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказишлари лозим. Қуйида унинг банк ҳисоб рақамлари келтирилган: СТИР 300017720, ОКОНХ 84500, ҳ/р: 20210000204546027001, АТ "TURON" банк МАБ, МФО 00446.

5. Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

" юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг маркази;

" таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача: шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача;

" тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг сўнгги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй. Тел (факс): 232-80-98.

Қўшимча маълумотлар учун "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг қуйида келтирилган ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент вилояти филиали Тошкент шаҳри, У.Носир-53-В. Тел.: 8 (371) 253-37-28.

6. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ЙЎАМ (қурилишдаги йилларга ўртача айланма маблағ) талабларига жавоб беришлари лозим.

A	B	C	D		
Лотдаги уй сони	Талаб этилган ЙЎАМ (сўм)	Қурилишдаги малакаси (а) ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Қурилишдаги малакаси (а) ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома		
			Бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми $м^3$	Сўнгги уч йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$	Сўнгги уч йилда қуриб битирилган уйлар майдони $м^2$
8	1 440 000 000	1 152 000 000	240	400	960
12	2 160 000 000	1 728 000 000	360	600	1 440

Шартномалар рўйхати (лотлар)

Лот №	Вилоят	Туман	Массив	Лотдаги уй сони	Уй рақамлари	Таклифларни топшириш сўнгги муддати
304	Тошкент	Ўрта Чирчиқ	Кўқионовул	8	25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32	2015 йил 24 ноябрь соат 10:00
305	Тошкент	Ўрта Чирчиқ	Кўқионовул	8	33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40	2015 йил 24 ноябрь соат 10:00
311	Тошкент	Ўрта Чирчиқ	Кўқионовул	8	81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88	2015 йил 24 ноябрь соат 10:00
313	Тошкент	Ўрта Чирчиқ	Кўқионовул	8	97, 98, 99, 100, 101, 102, 103, 104	2015 йил 24 ноябрь соат 10:00
315	Тошкент	Ўрта Чирчиқ	Кўқионовул	8	113, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120	2015 йил 24 ноябрь соат 10:00
320	Тошкент	Ўрта Чирчиқ	Кўқионовул	8	153, 154, 155, 156, 157, 158, 159, 160	2015 йил 24 ноябрь соат 10:00
336	Тошкент	Қибрай	Меҳнат	12	13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24	2015 йил 24 ноябрь соат 11:00
	Жами			84		

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси, "VIP REAL ESTATE" МЧЖ бошланғич нархи босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги давлат кўчмас мулк объектлари қўйилади:

1. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Байналминал жангчилар кўчасида жойлашган 1971 йилда қурилган собиқ "20-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
- умумий ер майдони - 1,0 га;
- қурилиш ости майдони - 1193,74 кв.м;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш;

Бошланғич нархи - 1 043 151 000 сўм;
Закалат пули 15 % - 156 472 650 сўм;
Балансда сақловчи: Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги;
Фаолият ихтисоси: таълим-тарбия.

2. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Фарғона кўчаси, 1-уйда жойлашган 1971 йилда қурилган собиқ "30-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
- умумий ер майдони - 0,30 га;
- қурилиш ости майдони - 624,45 кв.м;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш;

Бошланғич нархи - 459 843 000 сўм;
Закалат пули 15 % - 68 976 450 сўм;
Балансда сақловчи: Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги;
Фаолият ихтисоси: таълим-тарбия.

3. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Номданак ҚФЙ ҳудудида жойлашган Марказий руда бошқармасининг "Бригантина" болалар соғломлаштириш оромгоҳи.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
- умумий ер майдони - 11,45 га;
- қурилиш ости майдони - 883,61 кв.м;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш;

Бошланғич нархи - 4 251 730 000 сўм;
Закалат пули 15 % - 637 759 500 сўм;
Балансда сақловчи: Паркент тумани ҳокимлиги;
Фаолият ихтисоси: дам олиш маскани.

Аукцион савдоси 2015 йил 14 декабрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 11 декабрь куни соат 17:00 да тўхтатилади.

Ушбу санада давлат кўчмас мулк объектлари сотилмай қолган тақдирда такрорий очиқ аукцион савдолари 2015 йил 28 декабрь, 2016 йил 11, 25 январь, 8, 22 февраль, 14, 28 март, 11, 25 апрель, 9, 23 май, 6, 20 июнь кунлари соат 11:00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 25 декабрь, 2016 йил 8, 22 январь, 5, 19 февраль, 11, 25 март, 8, 22 апрель, 6, 20 май, 3, 17 июнь кунлари соат 17:00 да.

Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат кўчмас мулк объектини олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФУҚАРОЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АСАКА» акциядорлик тижорат банки Тошкент вилоят филиали томонидан 2015 йил 13 ноябрь куни соат 15:00 дан Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани «Агробанк» Қуйи Чирчиқ филиали биносида вилоят фуқаролари ва тадбиркорларининг мурожаатлари юзасидан қабул ташкил этилади.

«Агробанк» Қуйи Чирчиқ филиали манзили: Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳарчаси, Ўзбекистон кўчаси, 154-уй.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 120-84-04, 120-74-11. Қабулга фуқаролар паспортлари билан келишлари лозим.

MT MATBUOT tarqatuvchi
OCHIQ AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2016 йил обуна мавсуми давом этмоқда.

Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд.

Вилоят обуна бўлими:	0-371-233-13-04
Ангрен шаҳар филиали:	+998946546638
Бекобод шаҳар филиали:	+998903508872
Бекобод туман филиали:	+998901674327
Бўстонлиқ туман филиали:	+998949308045
Зангиота туман филиали:	+998909764793 +998951971964
Олмалиқ шаҳар филиали:	+998917883393
Оҳангарон туман филиали:	+998935082299
Ўрта Чирчиқ туман филиали:	0-370-76-21-476
Чиноз тумани филиали:	0-370-59-31-331 +998955159677
Чирчиқ шаҳар филиали:	0-370-71-64-617 +998901259907
Юқори Чирчиқ туман филиали:	+998901684678
Пискент туман филиали:	+998936197733
Қибрай туман филиали:	+998936138316
Янгийўл туман филиали:	0-370-60-22-034 +998942152173
Паркент тумани филиали:	+998901684678

ОБУНАГА КЎМАКЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

Гувоҳнома № 000690

«REAL AUKSION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига: Тошкент вилояти Янгийўл тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Янгийўл Савдо Файз Барака" МЧЖ автомобиллар омборида сақланаётган: Жиноят ишлари бўйича Янгийўл тумани судининг: 1. 17.12.2013 й қарорига асосан: 2009 йилда и/ч., дав/рақ: 10 017 ТАА, бошланғич баҳоси - 28 049 732 сўм бўлган "Ласетти" русумли; 2. 2013 йил 17 апрелдаги қарорига асосан: 1992 йилда и/ч., дав/рақ: 11V7534, бошланғич баҳоси - 56 298 487 сўм бўлган "Фордтаунус" русумли; 3. 2010 йил 17 майдаги қарорига асосан: 1977 йилда и/ч., дав/рақ: 11Т1218, бошланғич баҳоси - 563 918 сўм бўлган "Москвич-412" русумли; 4. 10.10.2014 й 1-577-2014-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани ЙХХХБ жарима майдончасида сақланаётган: бошланғич баҳоси - 9 923 940 сўм, 2008 й и/ч., дав/рақ: 10D861KA бўлган, "Матиз" русумли; 5. 18.03.2014 й 7717/20-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти Янгийўл тумани ТИФ божхона пости назоратидаги божхона омборида сақланаётган: бошланғич баҳоси - 9 290 700 сўм, и/ч., номаълум дав/рақ: номаълум бўлган, "ГАЗ 322132 (микроавтобус)" русумли; бошланғич баҳоси - 7 506 270 сўм, и/ч., номаълум дав/рақ: номаълум бўлган, "ГАЗ 322132 (микроавтобус)" русумли; бошланғич баҳоси - 8 296 020 сўм, и/ч., номаълум дав/рақ: номаълум бўлган, "ГАЗ 322132 (микроавтобус)" русумли; 6. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Янгийўл Савдо Файз Барака" МЧЖ автомобиллар омборида сақланаётган: Жиноят ишлари бўйича Янгийўл тумани судининг: 05.03.2015 йилдаги 289/2015-сонли ижро варақасига асосан: бошланғич баҳоси - 24 012 900 сўм, 2013 йилда и/ч., дав/рақ: 01E412TA бўлган "СПАРК" русумли; 7. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, ТЙХТПФД гаражида сақланаётган: 27.02.2009 йилдаги 28105/7-сонли ижро варақасига асосан: бошланғич баҳоси - 9 233 574 сўм, 1996 йилда и/ч., дав/рақ: 11АА065 бўлган "ГАЗ 270500" русумли; бошланғич баҳоси - 2 016 932 сўм, 1993 йилда и/ч., дав/рақ: 11АR060 бўлган "КАВЗ 33976" русумли; бошланғич баҳоси - 1 854 155 сўм, 1984 йилда и/ч., дав/рақ: 11АО071 бўлган "ГАЗ 53205Р" русумли; бошланғич баҳоси - 1 950 539 сўм, 1994 йилда и/ч., дав/рақ: 11АО070 бўлган "ГАЗ 5201" русумли автотранспорт воситалари тақроран савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 30 ноябрь куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган: бошланғич нархи - 2 024 940 896 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин Водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 19992 кв.м. бўлган (0001 литердан 0013 литергача бино ва иншоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013 литердан иборат қурилмалар ҳужжатсиз) "Нотураржой биноси"; 2) Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан ЖИБ М.Улуғбек тумани судининг 26.02.2013 йилдаги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан; Бошланғич нархи - 277 205 383 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Х.Байқаро 1-тор кўчаси, 2-А уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 895,0 кв.м., қурилиш остидаги участка майдони 461,49 кв.м., биноларнинг умумий фойдаланиш майдони 370,0 кв.м., яшаш майдони 122,0 кв.м.дан иборат бўлган "тураржой (ҳовли)"; 3) Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 14.05.2015 йилдаги 1-9/15-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи - 250 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчаси, 66-уйда жойлашган, умумий майдони 156,62 кв.м.дан иборат бир қаватли "Турар-жой"; 4) Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 17.04.2015 йилдаги 1-10/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 75 000 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Бордонқўл қ.ф.й., Боғдорчилик кўчаси, 5-тупик, 1-уйда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 98,98 кв.м., умумий фойдали майдони 51,57 кв.м.дан иборат бўлган "тураржой (ҳовли)" қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 2 декабрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

Эроннинг Хуррамобод шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича ўтказилган X жаҳон чемпионатида дунёнинг элликдан зиёд мамлакатидан икки юздан ортиқ спортчи ғолиблик учун беллашди. Нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган полвонларимиз 5 олтин, 4 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЖАҲОНДА ТЕНГСИЗ

Чемпионатда Темурхон Тўраев, Эркин Дониёров, Муҳсин Ҳисомиддинов ўз вазн тоифасида олтин, Руслан Болтаев ва Бекзод Каримов кумуш медални қўлга киритгани ҳақида аввал хабар берган эдик.

Навбатдаги беллашувлар ҳам терма жамоамиз аъзолари учун муваффақиятли бўлди. Вазни 66 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида Маъруф Ғайбуллаев шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Аброр Жабборов кумуш медални қўлга киритган бўлса, эронлик Гасим Нуризода ва туркманистонлик Марат Оразов учинчи ўринни эгаллади.

73 килограммгача вазн тоифасидаги полвонлар курашида ҳам терма жамоамиз аъзоси Давлат Абраевга тенг келадиган рақиб топилмади. Тажрибали полвонимиз ҳал қилувчи беллашувда мезбонлар вакили Ҳади Гадамийга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Туркманистонлик Нурёғди Жабборов ва руминиялик Вячеслав Пламадеала бронза медаль билан тақдирланди.

Вазни 60 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида яна бир ҳамюртимиз Раҳмон Жумаев кумуш, Миржон Тўхтаев бронза медални қўлга киритди.

Мутлақ вазнда ўтказилган қизиқарли беллашувда Муҳсин Ҳисомиддинов учинчи ўринни эгаллади.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.

СПОРТСЕВАР ҚИЗЛАР МУСОБАҚАСИ

Бўстонлиқ туманида 1998-2001 йилларда туғилган қизлар ўртасида стол тенниси бўйича "Камолот" маликаси" турнирининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилаётган шароитлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш ҳамда қизларни спортга кенг жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, чекка қишлоқларда спорт, хусусан, стол теннисини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган мусобақада шаҳар ва туман босқичларидан сараланган 70 дан зиёд спортчи қизлар бахслашди.

Мусобақада 1998-1999 йилларда туғилган қизлар ўртасида паркентлик Ирода Тоирова биринчи ўринни қўлга киритди. Қуйи чирчиқлик Феруза Рустамова иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин яна бир паркентлик қиз Муҳайё Тоировага насиб этди.

Куннинг иккинчи ярмида 2000-2001 йилларда туғилган қизлар ғолиблик учун кураш олиб борди. Олмалиқ шаҳридан Дилдора Пўлатова биринчи, паркентлик Дилноза Фозилова иккинчи, бўкалик Дилсора Жанонова учинчи ўринни эгаллади.

Б. ҲИДОЯТОВ, ЎзА мухбири.

АҲДИ ҚАТЪИЙ

Олмалиқ ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шодия Эргашева 12 йилдан буён каратэ спорти билан шуғулланиб, турли нуфузли мусобақаларда муваффақият қозонди ва 39 медаль, 40 дан ортиқ диплом соҳибаси бўлди.

Шодия беш карра Ўзбекистон чемпиони, кўплаб Жаҳон чемпионатлари совриндори. Шу йил 1-2 ноябрь кунлари Малайзиянинг Сингапур шаҳрида каратэ бўйича очиқ чемпионатда бронза медалини қўлга киритди.

– Шодия илк бор машғулотга келган кунни яхши эслайман, – дейди мураббий Азизхўжа Қосимов. – Ўшанда машқларни тўғри бажаришга ҳаракат қилаётгани, қизиқиш ва кучли иштиёқини кўриб, келгусида истеъдодли спортчи бўлиб етишишига ишонган эдим.

Ёш спортчининг режалари катта. Келгусида Олмалиқ ҳарбий академиясида таълим олиб, Жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилади.

Муқаддас ИСРОИЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

XXI аср ва дунё

ТУНГИ КЛУБДАГИ ЁНҒИН ҚУРБОНЛАРИ

Илгари хабар қилинганидек, Руминия пойтахти Бухарестдаги тунги клубда юз берган портлаш ва ёнғин қурбонлари 45 кишига етди.

Associated Press агентлигининг ёзишича, фожиа куни клубда хизматда бўлган машҳур рок-гуруҳ барабанчиси Богдан Энаке ҳам ёнғин қурбонига айланди. Шундан сўнг Бухарестда бошланган оммавий норозилик акциялари авж олгач, Руминия бош вазири Виктор Понта 4 ноябрь куни истеъфога чиқишга қарор қилди. 3 ноябрь куни 20 мингдан зиёд киши пойтахт кўчаларига чиқиб, ҳукумат бошлиғи, ташқи ишлар вазири ва округ раҳбарининг истеъфога чиқишларини, шунингдек, фожиа айбдорларини жазолашни талаб қилди.

Клубда портлаш ва ёнғин содир бўлган пайтда 400 га яқин одам бор эди. Тантаналар чоғида кўплаб мушаклар ёқилди ва улардан чиққан чўғ электр ускуналарига тегиб, портлаш юз бериб, ёнғин бошланди. Одамлар ёнғиндан қаттиқ жабрландилар. Шунингдек, кўпчилик ур-йиқит пайтида турли тан жароҳатлари олди.

ФУТБОЛЧИЛАР ДАВЛАТГА ХОИНЛИКДА АЙБЛАНДИ

Непал ҳукумати мамлакатнинг беш нафар футболчисини келишилган учрашувларда иштирок этганликда айблаб, амалдаги қонунларга мувофиқ уларни давлат хоинлари деб атади.

The Himalayan Times газетасининг полиция маълумотларига таяниб ёзишича, футболчиларга қарши "Непалнинг мустақиллиги, яхлитлиги ва миллий бирлигига хавф туғдирувчи ҳаракат" моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди. Ушбу модда айбдорни умрининг охиригача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутади. Мамлакат терма жамоаси сардори Сагар Тапа, унинг ўринборсари Сандип Рай, дарвозабон Ритеш Тапа, собиқ ҳимоячилар Бикаш Сингх Чхетри ва Анжан Кей-Си шу муносабат билан ҳибсга олиниб, махсус суд олдида жавоб беришди. Миллий футбол федерацияси судланувчиларни ушбу жиноий иш охиригача кўриб чиқилгунига қадар барча футбол тадбирларида қатнашишларини тўхтатиб қўйди. Осиё футбол конфедерацияси ҳам уларни 30 кунга ўйинлардан четлаштирди.

АВСТРАЛИЯДАГИ ҚОЧОҚЛАР ЛАГЕРИДА ТАРТИБСИЗЛИК

Австралиянинг ташқи ҳудуди ҳисобланувчи Рождество оролидаги яширин кўчманчилар лагерида жиддий тартибсизликлар юз берди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, лагерда яшаб турган қочоқлардан бири, келиб чиқиши курд миллатига мансуб эронлик қочоқнинг тўсатдан юз берган ўлими ғалаён чиқишига сабаб бўлган. Ушбу муҳожирнинг жасади соҳил яқинидаги қоялар орасидан топилган. Айни пайтда унинг ўлими сабаблари аниқланмоқда. Бу фожиа бошқа кўчманчиларнинг ғалаён кўтариши ва лагердаги бир қанча биноларни вайрон қилишларига сабаб бўлди. Австралиянинг муҳожирлик ва чегара муҳофазаси вазирлиги расмий вакилининг таъкидлашига қараганда, маҳаллий ҳокимият лагердаги вазиятни назорат қилишни қўлга олиш ҳаракатида. Маҳаллий ахборот воситалари маълумотларига кўра, бугунги кунда Рождество оролида 200 дан зиёд ноқонуний кўчманчилар истиқомат қилмоқда. Ҳукумат эса бундай қочоқларнинг ҳеч бирига, ҳеч қачон Австралия фуқароси мақоми берилмаслигини таъкидлади.

НАРКОЛАБОРАТОРИЯ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Мексика бош прокуратураси ходимлари ҳарбий денгиз кучлари махсус бўлинмаси ёрдамида Синалоа штатида синтетик гиёҳвандлик моддалари ишлаб чиқарувчи йирик яширин лабораторияни йўқ қилди.

Мамлакат ҳарбий денгиз кучлари вазирлигининг хабарига қараганда, лабораторияда деярли истеъмолга яроқли ҳолга келтирилган беш тонна ажал уруғи жойларга жўнатиш учун ҳозирлаб қўйилган экан. Маҳкама тарқатган маълумотларга қараганда, шу йил 15 августдан бугунги кунгача ушбу минтақада олтита шундай яширин лаборатория топилиб, йўқ қилиб ташланди. Умуман, Синалоа штати шу номдаги йирик наркокартелнинг ўчоғи ҳисобланади. Шу йил 12 июль куни тунда ушбу наркокартель бошлиғи Хоакин Гусман Мехико штатидаги энг қатъий тартибли "Алтиплано" турмасидан қочиб кетишга муваффақ бўлган.

Мексика прокуратураси наркобароннинг қочишига оид ишни тергов қилиш жараёнида бир неча ўнлаб кишини, шу жумладан, унинг қочишини ташкиллаштирган иштирокчиларни ҳам қўлга олган. Айни пайтда Аргентина ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам кучли тартиб хизмати жорий этишди. Сабаби – баъзи маълумотларга қараганда, Гусман айни пайтда ушбу мамлакат ҳудудида бўлиши мумкин экан.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Медиа-тур

ФАХРИЙЛАР МАМНУН

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан уруш ва меҳнат фахрийлари, кекса ва ногирон юртдошларимизга яратилган шарт-шароитлар билан танишиш мақсадида журналистлар учун Бўстонлиқ туманидаги "Товоқсой" санаторийсига медиа-тур ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида фахрийларимиз ўзларига мақбул муддатларда санаторийларда бепул дам олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ уруш ва меҳнат фахрийларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида саломатлигини мустаҳкамлаш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

"Товоқсой" санаторийсида ҳам фахрийларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, тиббий муолажалар олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда 9 мингга яқин нуроний саломатлигини тиклади. Уларнинг 1 минг 200 нафари уруш ва меҳнат фронти фахрийсидир.

– Қўл-оёғим оғирди, – дейди сирдарёлик меҳнат фахрийси Неъматилла Холиқулов. – Санаторийга келганимга саккиз кун бўлди. Зарур муолажаларни олгач, оёқларимдаги оғриқ йўқолди. Бизга саломатлигимизни тиклашимиз, замонавий шароитларда ҳордиқ чиқаришимиз учун мана шундай имкониятларни яратиб берган Юртбошимиздан миннатдормиз.

Замонавий тиббий муолажалар кўрсатаётган сиҳатгоҳ ультратовуш ташхис аппарати, магнитли ва нурли терапия ускуналари билан жиҳозланган.

Фахрийлар учун очилган махсус бўлим нуронийларнинг санаторийга келиши билан тўлиқ тиббий текширувдан ўтказилиши ва уларга керакли муолажаларни белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Физиотерапия, даволаш, жисмоний тарбия хоналари ва фитобар доимий равишда хизмат кўрсатмоқда.

– Санаториймиз асаб касалликлари, нафас олиш, таянч аъзолари касалликларини соғломлаштиришга мўлжалланган, – дейди бош шифокор Нурали Йўлдошев. – Муассасамизда йилига ўн икки мингга яқин киши саломатлигини мустаҳкамлайди. Жорий йилда уруш ва меҳнат фахрийларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида сиҳатгоҳимизнинг 7 шифокори, 16 ҳамшираси геронтология йўналиши бўйича малака ошириш курсларида ўқитилди.

Медиа-тур давомида пиру бадавлат отахон ва онахонларимизнинг тиббий хизматлардан бахраманд бўлиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитлар хусусида ҳам журналистларга маълумот берилди.

Даврон СУННАТОВ, ЎзА мухбири.

Кўзгудаги ўзимиз

ОТА ҲОВЛИ

Каттагина ҳовли. Дарвоза нақшинкор. Мўъжазгина боғда мевали дарахтлар кўп. Гилос, олма, беҳи...

Мана, беш йилдирки, хонадонда бодом ҳам ўсаяпти. Азамат ота ва Дилбар ая ҳамма дарахтларга яхши қарашади. Уларнинг илиқ меҳри билан нозик-ниҳол бодом катта дарахт бўлди. Аммо Дилбар ая ҳаётдан эрта кўз юмди. Бу ҳам етмагандек, Азамат ота қаттиқ бетоб бўлиб қолди.

– Шоикро-ом, болам, бир қараб юбор, – ичкаридан Азамат отанинг бўғиқ овози эшитилди.

Шоикром отанинг якка-ю ягона фарзанди. Отасининг овозини эшитиб, ичкарига югурди. Азамат ота унга нималарнидир базўр уқтирди. Отасининг гапи тугагач, Шоикром ташқарига чиқди. Рафиқаси Нозима ҳолахвол сўраган бўлди:

– Ҳа, дадаси, бунча рангингиз паст. Тузукмисиз?

– Биласанми, дадам менга нима дедилар?

– Хўш?

– Мана шу бодом дарахтини мен туғилган куним не-не орзу-умидлар билан экканлар. Ҳеч эътибор берганмисан, шу дарахтни дадам билан ойим роса авайлашарди. "Ўғлим билан тенгдош дарахт", деб уни алоҳида меҳр билан парваришлашарди. "Ҳеч қачон кесиб ташлама, унга онанг билан менинг қўлларим теккан. Мева тугса, ўзларинг, кейинчалик набираларим ҳам баҳраманд бўлиб юришади. Бу дарахт онанг иккимиздан ёдгорлик", дея роса қаттиқ тайинладилар.

– Шунга шунчами?

– Э, сен ниманиям тушунардинг, – Шоикром қўл силтаб, ичкарига кириб кетди...

Мана, шу воқеага ўттиз беш йил бўлибди. Шоикром ишда юқори лавозимга ўтди-ю, "Мансабдорларнинг уйлари ҳам катта, ҳашаматли бўлиши керак", деб болалик хотиралари, бахтиёр онлари ўтган, ота-онасининг қадам излари қолган қадрдон уйни бузиб, икки қаватли қилиб қурди. Ҳовлидаги бодомдан бошқа дарахтларни кесиб, қўшимча ер сотиб олди. Бир пайтлардаги торгина уй-жой бугун икки қаватли, баланд иморатли ҳовлига айланган. Фақат бодомгина олдингги ҳовлини эслатиб туради.

Бироқ кўп ўтмай, бодомнинг ҳам шўри қурийдиган бўлди. Шоикромнинг рафиқаси бир куни:

"Дадажониси, ҳовли ўртасидаги мана шу сўппайган бодомни кесиб ташлай қолайлик. Нима қиласиз уни асраб? Отангиз васият қилган бўлсалар нима қилибди. Чиройли ҳовлимизнинг ҳуснини бузаяпти. Ўрнига болаларимиз учун қулайгина ҳовуз қурардик" деганда, Шоикром индамайгина рози бўлди.

Орадан бир-икки ой ўтиб, Шоикром бетоб бўлиб қолди. Ўзининг айтишича, бодомни кесиб ташлаганидан ота-онасининг руҳи изтиробда эмиш, ҳар куни тушларига киришармиш.

Шундан сўнг Шоикром анча ўзгарди. Бир куни у касал ҳолида бозордан олма кўчатини олиб келди. Энди икки ёшга тўлган кенжа ўғли Бобуржонни ёнига олиб, кесилган бодомнинг ёнгинасидан чуқурча қазиди. Кейин Бобуржонга юзланди:

– Болам, бобонг ва бувингнинг руҳлари шод бўлиши учун шу олмани экамиз, катта дарахт бўлгач, кўп мева беради.

– Ҳа, дадажон, ка-а-аатта бўб ўсиши учун дим унга қаяб туяман. Олмалай соса, ўйтоғлайим Азизга, Шохйуҳга, Маҳмудга бераман. Уни ҳеч қачон кесмайман.

Энди тили чиққан ўғлининг гапларини эшитган Шоикромнинг эти жимирлаб кетди, кўнгли ёришгандай бўлди ва ҳовуз ўрнига чиройли боғ яратишни мақсад қилиб қўйди. Ўғлига тикиларкан, ўйланиб қолди: "Агар менинг ақлим шу ёш боланикичалик бўлганида эди, ота-онам экган бодом бу аҳволга тушмай, гуллаб-яшнаб, меваларидан фарзандларим, набираларим баҳраманд бўлишарди".

Зуҳра АҲМЕДОВА, Ангрен политехника касб-ҳунар коллежи ўқувчиси.

Рассом хандаси

Бу – қизиқ

Нега шундай аталади?

● **Adidas** – фирма асосчиси Ади Даслер номидан олинган.

● **Apple** – Баъзи маълумотларга қараганда, Аппле (олма) – компания асосчиси Стив Жобснинг (Стеве Жобс) севимли меваси. Бошқа маълумотлар бўйича – компания асосчиларидан бирининг севимли олмасидир. Янги бизнес учун ном топишга уч ой мобайнида натижасиз уринишлардан сўнг Стив Жобс ўз шерикларига шундай шарт қўйган: "Агар соат 5 гача яхшироқ ном топмасангиз, компанияни Аппле деб атайман". Афтидан, яхшироқ ном топа олмаганга ўхшайдилар.

● **Nokia** – Финландиянинг Нокиа шаҳридаги ёғочни қайта ишлаш заводи кўп йиллик тараққиёт ва ўзгариш натижасида резина идишлар ва турли техник буюмлар ишлаб чиқара бошлади. Заводга шаҳар номи берилди.

● **Acer** – "Асер" сўзи лотинчадан "сезгир, ўткир кўзли, шиддатли" деб таржима қилинади.

● **Google** – 100 та ноль билан ифодаланадиган бирлик – Гоогол сўзидан олинган. Мазкур дастур ғояси муаллифлари биринчи инвестордан Гоогле сўзи ёзилган чек олишган. Кейин яратилажак қидирув системасига шу ном берилган.

● **Hyundai** – корейсчада "ҳозирги", "айни вақтдаги" деган маънони англатади.

● **Kodak** – "К" компания асосчиси Жорж Истменнинг севимли ҳарфи бўлган. У мана шу "ёқимтой" ҳарф билан бошланиб, шу ҳарф билан тугалланадиган сўз қидиради. Бундан ташқари К дунёнинг деярли барча алфавитларида бир хил шаклда ёзилади. Охир-оқибат Кодак сўзи танланган. Ном берувчиларнинг фикрича, фотокамера суратга олганда айнан шундай товуш чиқармиш.

● **Mitsubishi** – компания асосчиси Ятаро Ивасаки 1870 йилда ўйлаб топган, япон тилида "Уч бриллиант" деган маънони англатади.

● **Nissan** – дастлаб Ничон Сангио – "Япон саноати" номи билан машҳур бўлган.

● **Siemens** – мазкур компанияга Вернер фон Сименс (Цернер вон Сименс) томонидан асос солинган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-4362. Адади 7515. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45.